




ТОШКЕНТ О'КШО'ЛИ



ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 27 (9.677) 2002 йил 6 март, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Янада обод бўл, азим Тошкентим!

Эрта тонгдан хонанда куйлайди. — Сен бахорни соғинмадингму? — Соғиндик, — деймиш биз. — Соғиндик, — дейди бутун борлик, она табиат.

Озод ва обод юртимга залворли кадамлар билан кириб келган баҳорим, сенинг хилатинг ва фазилатинг ҳақида ҳар қанча куйласак оз. Сен ёзинг мовий осмони, куз тўкинчилиги, зумрад кишининг тароватидан.

Ҳашар — ҳаммамизга ярашар



Бугун сенинг истикболингга пешвоз чиқдик. Илк қўёш тафтидан яшнади олам. Чўпон-чўлиқлар яна қирга отланди. Сокин далалар гавжумлашди, техникалар овози янграй бошлади. Бободехон эрта-индин серунон тупроққа барака уруғини қадар ҳаракатида.



Бугун барча қатори азим пойтахтимиз Тошкент аҳли ҳам сени қутламоқда. Бугун донғи оламга кетган шаҳримизда Наврўзи олам тайёргарлиги бошланган. Барча туман, ҳудуд, маҳаллаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин паллага кирган. Халқимиз азал-азалдан табарруқ ва азиз байрамларимизни кўча ва уйларида, маҳаллаларимизни ораста ва оройиш қилиш билан қутиб олишга одатланган.

Ҳар сингил кетган. Шу йўл билан ота-боболаримиз не-не қудратли ишларни амалга оширганга жонли тарих гувоҳ. Йиллар оша биз ўтмишдошларимизга садқат ила бу яхши анъанани содиқлик билан авайлаб-асраб келяпмиз. Бугун ҳашар мавсумий эмас, у ҳаётимизнинг кундалик мазмунига айланган.

Бу йил қадамимиз яна ҳам қутлуғ ва сербаракат келди баҳорим. Балки шундан бугун кун сайин обод ва кўркем бўлиб бораётган маҳаллаларимиз мактовини келтиришга тил ожиз. Ўзбекистон Мустақиллиги, Хувайдо, Амир Темури, Аҳмадхон Назаров, Ғулом-маҳмуд Абдуллаев номли маҳаллаларга қадам ранжида қилган киши бу ердаги нурли ўзгаришларни кўриб қўзи яшнади. Маҳалладошларнинг бир жон бир тан бўлиб аҳил ва ҳамжихатликда иш юритишидан бошқалар ибрат ола арайди. Негаки бу маҳаллаларда баҳорий ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳар томонлама намунали олиб борилаётган. Шу ўринда тил учидан турган бир гапни айтмай иложимиз йўқ. Очиғи, бу хайрли ишга кўнгилдан ёндошмаётган баъзи маҳаллалар ҳам йўқ эмас. Бугун хайрли оқшомда биз улари номнамо келтиришни эп кўрмадик. Ўз эшиги тагини ораста тутмайдиган, кўп қаватли уйлар йўлакларини су-пуриб-сидиришни фақат фаррошнинг вазифаси деб билладиган, ўзи пайдо қилган ахлатхона йўқотиш учун идорама-идора чопиб юрган баъзи бир ҳамма-шларимиз шайнига аччиқ-қуруқ гапларни айтишдан тийилдик. Уйлаймишди, гап эгасини топади.

Мақола аввалини эзгу сўзлар билан бошлаган эдик. Охирини ҳам илк сўзлар билан тугатсак мақсадга мувофиқ бўлар. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бугунимиз кечагидан серфайз. Эртамаз бугунгидан нурафшон.

Маҳкамасининг йил якунлари таҳлил этилган йилгиликда кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти марказий кенгашининг кенгайтирилган раёсат йиғилишида ташкилотнинг ўтган йилги иш фаолияти ва Президент Исрол Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунларига бағишланган йиғилишида ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

ТАРАДДУД Хонадонларимиз ораста бўлади

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласи аҳли ҳам баҳорги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин давом эттиришмоқда. Маҳалланинг ҳар бир кўчасига бириктирилган масъуллар кундалик ишлар назоратини асло бўшаётганлар.

Ҳаракатда баракат

Ҳар йилгидек бу йил ҳам «Фалла-алтеқ» ҳиссасдорлик жамиятининг 350 нафардан зиёд жамоаси ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

Ҳамжихатлик билан

Бошқа корхона ва ташкилотлар қаторида шаҳримизда жойлашган «Сувмаш» ҳиссасдорлик жамияти жамоаси ҳам корхона ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўтарики қайфиятда бошлаб борибди.

Маҳкамасининг йил якунлари таҳлил этилган йилгиликда кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

8 Март — Хотин-қизлар кун



ЮРАКДА ЎСГАН ЎУМАР

Ҳазрати Бобур бир ғазалида шундай ёзади: «Жаҳондин менга ғам бўлса, Улусдан гар алам бўлса, Не ғам юз мунча ҳам бўлса, Сенингдек ғамгусорим бор».

Бу сатрлар тақдиримиздаги ғамлару мени тушунайидиганлардан аламлар келиб ва шу аламлар устига яна юз ғам бўлсаю аммо бу дунёда сенингдек ғамгусорим борлиги бу ғамларни барчасини байрамга айлантиради, деган маънони беради.

Ҳазрати Бобур бир ғазалида шундай ёзади: «Жаҳондин менга ғам бўлса, Улусдан гар алам бўлса, Не ғам юз мунча ҳам бўлса, Сенингдек ғамгусорим бор».

ФУТБОЛ

«Пахтакор»дан умидимиз катта

Маълумки, Республикаимизнинг энг нуфузли ва севимли жамоаларидан бўлмиш «Пахтакор» ҳозирда ўз хайрли анъаналарини тиклаш йўлида ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ўтган йилги мавсумда «Пахтакор» мамлакат чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаш билан бирга биллур совриннинг ҳам соҳиб бўлди.

Жаҳонда

Вашингтонда профессор Л.Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг тақдими бўлиб ўтди.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

8 Март — Хотин-қизлар кунига бағишланган «Ҳаёт боғининг гуллари» махсус саҳифа материалларини газетанинг 2-бетида ўқийсиз.

КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида футболимиз ва спортимиз фахрийлари иштирокида «Пахтакор» жамоасини қутлаш маросими бўлиб ўтди.

СУРАТДА: «Пахтакор» жамоасини қутлаш маросимидан лавҳа.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов «Пахтакор» жамоасини ўтган мавсумдаги ютуқлар билан қутлаб, унинг анъаналарини тиклаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Пахтакор» мухлислари клуби ташкил этилиб, фаолиятини бошлаб юборганини таъкидлаб ўтди.

Уйлаймишди, жамоа янги мавсумда билдирилган ишончини оқлаб, муваффақиятлари кўламни янада кенгайтиради.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг натижалари чорак якунланганидан сўнг яна бир бор таҳлил қилинишига келишиб олинди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида Чора-тадбирлар белгиланди

Шаҳар ҳокимлигида туманлар ҳудудий комиссияларининг раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш корхоналарнинг банкротлиги ва санацияга масалаларига бағишланди. Уни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Нодир Хонов олиб борди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг натижалари чорак якунланганидан сўнг яна бир бор таҳлил қилинишига келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ

Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясини қақририш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель куни Тошкент шаҳрида қақририлсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ Тошкент шаҳри, 2002 йил 5 март.

- Ўзбекистон Республикаси референдумининг якунлари тўғрисида.
- Ўзбекистон Республикаси референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун иҳодкорлиги ишлари концепцияси тўғрисида.
- «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятининг қонун чиқаруви, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
- Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида.
- Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- «Кредит уюшмалари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- «Сугурта фаолияти тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- «Чикиндилар тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
- Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
- Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

ИЗХОР

Аёлга гул беринг, шундай гулларки, Эрак юрагидан унган гулларни. Аёлга гул беринг, шундай гулларки, Эрак кўз ёшидан унган гулларни.

Айтинг, париларнинг авлодидир у, Тонлар маликам деб рутбалар қилинг, Қилган катта-кичик гуноҳингиз-чун Сиз унга боз эгинг, тавбалар қилинг.

У сизга дуолар тилар Оллоҳдан, Шундай дуоларки, дилдеқ оппоқ, Эвазига эса сиздан кутгани Англамоқ, ҳис этмоқ тушуноқ.

Аёлга гул беринг, зумрад ялпроғи, Қўлингизга тегиб суюнган бўлсин, Аёлга гул беринг, шундай гулларки, Вафо дарёсидан тўйинган бўлсин, Зулфия МҮМИНОВА

XXI ҲАСР садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Оқсаройда Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзаини қабул қилди. Сўхбат чоғида Афғонистондаги вазият, ушбу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш, икки томонлама муносабатлар кўламни кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов номига Франция Республикаси Президенти Жак Ширакдан мамлакатларимиз ўзаро дипломатия муносабатлари ўрнатганига ўн йил тўлиши муносабати билан энг эзу тилаклар изхор этилган табриқнома келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримов Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзаининг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари юзасидан қўшма баёнот қабул қилинди. Қўшма баёнот матни марказий газеталарда эълон қилинди.

Олий ҳужалик судида республика ҳужалик судларининг 2001 йилдаги фаолияти ҳамда Вазирлар

ри ишлаб чиқарган маҳсулотлар билан қатнашди.

«Узэкспомарказ» савдо-кўргазма марказида «Гуллар — 2002» кўргазмаси очилди.

Утган кун Нью-Йоркдан Тошкентга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётида Солт-Лейк-Ситиданги киши Олимпия уйинларидан қатнашган Ўзбекистон делегацияси қайтиб келди. Фигурачларимиз океан ортида бўлажак жаҳон чемпионатида тайёргарлик ишларини давом эттиришмоқда.

Вашингтонда профессор Л.Левитиннинг «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» асарининг тақдими бўлиб ўтди.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Швейцария фуқароларининг ўз мамлакатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиши учун референдумда овоз берганидан қониқиб ҳосил қилганлигини билдирди.

АҚШ ва Миср Президентлари Жорж Буш ва Хусний Муборак Вашингтонда музокаралар олиб боришди. Миср вакиллари Хусний Муборакнинг АҚШни Исроил-Фаластин ажрасини бартараф этиш бора-сида фаол саяё-ҳаракат қўришига даъват этишни истаётганлигини айтди. Жорж Буш содир этилаётган амалиётларнинг тўхтатилиши минтақада ҳар қандай тинчлик ташаббусларининг муҳим омилли эканлигини айтди.

Тель-Авив марказий кўчаларидан бирида араб милли

латига мансуб шахсининг қўпуровчилик ҳаракати натижасида уш исроиллик қурбон бўлган. Қуддус яқинида эса аҳудий радикал гуруҳлари томонидан араб мактаби ҳовлисида содир этилган портлаш оқибатида саккиз бола тан жароҳати олганлиги маълум бўлди.

Рамаллох туманида бир гуруҳ фаластинликлар Исроил армиясига ҳужум қилди. Натижада етти нафар исроиллик ҳалок бўлиб, 15 нафари ярдор бўлган. Бу террористик ҳаракат учун жаобгарлигини «Ал-Акса жабрдидалари» гуруҳи ўз бўйинга олган.

Кеча Америка ҳарбийлари Афғонистон шарқида «Ал-Қоида» экстремистик гуруҳи ва «Толибон» ҳаракати қарши жангарилар позицияларини яна ўққа тутишди. Пактия провинциясининг Гардиз шаҳри атрофида олиб борилаётган ушбу амалиётда АҚШ қирувчи самолётларидан ташқари Америка ҳарбий аскарлари ҳамда маҳаллий дада кўмондонлари от-рэдлари ҳам иштирок этишмоқда.

Утган кун Афғонистондаги ақсилтеррор операциялари пайтида Халқаро Миссия қучлари бироқини маротаба Франциянинг «Мигре — 2000» қирувчи самолётларидан фойдаланишган.

Утган кун Филиппиндаги Америка ҳарбий бўлинмалари ҳамкорликда «Абу-Сайёф» экстремистик гуруҳига тегишли базаларни қидириб топиш бўйича асосий операцияни бошлади.

Сўнгги хабарларга қўра, ўтган ақшанба кун Афғонистоннинг шимолида юз берган қўли зилзила оқибатида 100 га яқин киши ҳалок бўлган. Давлу Эзеу қишлоғида 100 дан ортиқ уй вайрон бўлган.

Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов «Пахтакор» жамоасини ўтган мавсумдаги ютуқлар билан қутлаб, унинг анъаналарини тиклаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Пахтакор» мухлислари клуби ташкил этилиб, фаолиятини бошлаб юборганини таъкидлаб ўтди.

Уйлаймишди, жамоа янги мавсумда билдирилган ишончини оқлаб, муваффақиятлари кўламни янада кенгайтиради.

Юз билан юзлашган мунис ва мўтабар онахон

Халқимиз меҳр-оқибатли, саховатли, бағри кенг халқдир. Шунинг учун бўлса керак қарияларимиз орасида саксондан сакраб, тўксон билан тўкнашиб, юз билан юзлашган нуроний отахон ва онахонларимиз жуда кўп. Албатта бундай инсонларни пиру бадавлатларимиз деб бежиз айтмаймиз. Уларнинг аксарияти уруш ва меҳнат машаққатларини бошидан кечирган кўп болали мўтабар инсонлардир.

Ёшмисан, кексани сен ҳурмат айла, ўзинг ҳам қарийсан, хозирдан ўйла. Кексага кўмак бер — суянган тоғинг, Буни тушунарсан қариган чоғинг.

Ҳа, кексаликнинг ҳам ўзига яраша файзи, машаққати бор албатта. Юз билан юзлашган бахтиёр қарияларни кўрганда, улар билан суҳбатлашганда ҳар бир инсон яхши ният қилади албатта. Шу боис биз ҳам хотин-қизлар байрами арафасида юз билан юзлашган онахон — Шайхонтоҳур туманидаги «Зангиота» маҳалласида истикомат қилаётган Карима ая Исроилова хонадониди бўлиб, ширингина суҳбатлашиб дуоларини олишга муяссар бўлдик.

Опоқ сочли мунису мушфик, мулойим онахон билан суҳбатлашар эканман, аянинг ҳаракатлари ҳайрон қолдим. Чехраларидан илик меҳр, нур ёғилиб турган Карима ая ётган оппоқ ўриларида туриб кийимларини тузатиб, бошларидаги оппоқ рўмолларини яхшилаб ўрагач, фотиҳага қўл очдилар. Биз аядан турмуш хотираларини сўзлаб беришни сўрадик.

— Эҳ, умр оқар дарё экан, қизим. Шунча йил умр берганига Оллоҳга шукр айтаман. Ҳаётда не-не қийинчиликларни бошдан кечирдик. Биз яшаган замонларни айтаман, очарчилик, қаҳатчиликларни кўрдик. Тур-

мушга чиқиб беш фарзанд кўрдим. Турмуш ўртоғим Абдуҳалил Содиков жуда меҳнатқаш, софдил инсон эдилар. Мен дўппи, палак тиккардим. Яна деҳқончилик қилиб рўзгор тебратардик. Фарзандларимизни яхши кийинтирмасак ҳам яхши едириб, ўқитишга ҳаракат қилдик. Отаси ҳам болаларимиз ўқимишли, тарбияли бўлсин деб орзу қилардик. Оллоҳга шукр, фарзандларимиз меҳнатсевар, зиёли кишилар бўлиб етиштиди. Ўғилларимизни уйлантириб, қизимизни чиқардик. Келинларим қизимдек меҳрибон, меҳнатқаш. Уларни ҳеч ёмон дегмайман. Ёмон кайноналар ҳақида эшитганимда, мен ундай бўлмайман дердим. Келинларимни ҳеч турткилаб камситмаганман. Доим меҳрибон бўлиб, билмаганларини яхши гапириб ўргатиб келдим. Ҳаммалари аҳил, иноқ. Мен улардан жуда хурсандман. Шундай кунларга етказганига Оллоҳга минг бор шукроналар айтаман. Замонамиздан ўргулай. Президентимиз Каримов боламдан ҳам жуда хурсандман. Қариялар йили деб бизни ўйлаб, бизни қадрлаган эканлар Оллоҳга шукр айтаман. Ҳа, Карима аянинг хотираларини тинглаб, у кишига ҳавасимиз келди. Юз ёшда ҳам анча тетик, гап-сўзлари маъноли. Хотиралари ҳам



яхши эканига ишонч ҳосил қилдик. Кўз тегмасин илоҳим. Ҳаммага ҳам шундай ёш, шундай бардамлик насиб этсин. — Шу хонадонга келин бўлиб тушганимдан буён қайнонамни ўз онамдек яхши кўраман, — дейди аянинг келини Киммат опа. — Ойижонимиз бизга доим меҳрибон, очик кўнгилли, ғамхўр бўлганлар. Билмаганимизни ўргатиб, болаларимизни бирга вояга етказиб тарбия берганлар. Ҳалигача билмаганларимизни ўргатиб келяптилар. Онамиз мулойим, камтарин, феъллари кенг, меҳри дарё инсонлар. Юз ёшлардан ошганларининг сабаби ҳам шу бўлса керак. Барча қўниқўшлар у кишига ҳавас қилади. Уйимиздан доим меҳмонларнинг кети узилмайди. Хотиралари жуда яхши. Набира-ю звараларининг номларини ҳеч адаштирмай айтадилар. Бирор набиралар кеч қолгудек бўлса, уқламай хавотир оладилар. Илоҳим бахтимизга умрлари бундан ҳам зиёда бўлсин. Ҳа, Карима аянинг келинлари қайноналари ҳақида фахр билан кўп илик гаплар ай-

тиди. Аянинг эса дуодан қўллари бўшамади. «Қариси бор уйнинг париси бор» деб шунга айтсалар керак-да. Аянинг хонадониди меҳр-оқибат, самимийлик, саранжом-сарихталик бунга яққол исботлаб турибди. Ҳақиқатан ҳам қариси бор уйнинг файзи бўлачқа. Карима ая бугунги кунда ўғиллари, келинлари, 20 та набира, 21 звараларининг ҳурмати иззатида, ардоғида яшамоқдалар. Шундай мунис, мўтабар онахон билан суҳбатлашиб, аяга қараб беихтиёр севимли шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини ёдга олгим келди:

Муштипар ҳам ўзинг, буюк ҳам ўзинг, Куйинчак ҳам ўзинг, куюк ҳам ўзинг, Оламга татирлик суюк ҳам ўзинг, Пайт келди айтмоқча, гапнинг хонаси Эй, Ўзбек онаси, Ўзбек онаси. Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Карима ая эвараси билан. Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.

◆ Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С. БУФФЛЕР.

◆ Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусофоллиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.

Н. А. НЕКРАСОВ.

◆ Аёл севгисидан мусоффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олганга ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ж. РЕСКИН.

Улуғлар аёллар ҳақида

◆ Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятларастлигимизни юмшатади, улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

М. БАРЕС.

◆ Аёлларни севинг ва иззат қилинг, улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ақлий қўбиллатиларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж. МАДЗИНИ.

◆ Аёлсиз ҳаёт тонги ва оқшоми заиф, кундузи эса ғамгин бўлиб қолар эди.

П. БАУСТ.

◆ Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуסי, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

В. ШЕКСПИР.

◆ Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

П. БОМАРШЕ.

◆ Эракча ва аёл муҳаббати — бу ихтиёрли келишувдир, буни уларнинг қай бири бузса, фақат хиёнатда айбланади, аммо аёл она бўлган, унинг бурчи янада кучаяди, бинобарин табиат унга зурриёт масаласини ишониб топширган.

Г. МОПАСАН.

◆ Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати камтарлиқдир.

Н. М. КАРАМЗИН.

Қидирбой ТҮЛАБОВЕВ тайёрлаган.

Аёл борки, олам мунаввар

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҮЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

НАЗМ

Ёшлиқ, хушбўйингдан айланар бошим

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрида туғилб ўсган Раъно Ярашеванинг ёшлигидан санъатга ихлоси жуда баланд эди. У санъат институти битиргач 1987 йилдан бошлаб ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида ижодий фаолиятини бошлади. Қисқа давр ичида бир қатор спектаклларда таъсирчан, аjoyиб ва самимий ролларни ижро этиб муҳлислари эътиборини қозонди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Раъно Ярашева нафақат актриса, балки у истеъдодли ижодкор, қалбида илҳомий жўш урган ўткир қалам соҳиби — шоира ҳамдир. Раънонинг шу кунгача «Самарқанд соғинчи», «Сени ташлаб кетолмайман», «Ҳажр» сингари учта шеърый тўплами китобхонлар қўлига бориб етган. Унинг шеърларида калб тўғнлари, орзу-армонлари, ҳаётга, ёрга муҳаббат, вафо ва садоқат сингари фазилатлар ҳис-ҳаяжон ила баён этилган. Унинг қалбидан отилиб чиққан ҳаяжонли сатрлари шеърят ихлосмандлари қалбидан жой олиб, чуқур ўйга толдиради. Раъно инсонлар қалби кечинмаларини деврли кун ора санъатда кечиради. Қаҳрамонлари дардидан куяди, бахтидан яшайди. Шу боис шеърлари ҳам шундай гох маъзун, гох... Шоира кўнгил ҳақида кўп ёзади. Кўнгилда яшаганлар ва ундан қувилганлар қисмати куюниб мадҳ этади. Бугун биз улуғ аёл арасида Раъно Ярашеванинг дилга яқин гўзал шеърларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.



ТАНҲОДИР

Сизу биз учун Оллоҳ ягонадир, танҳодир. Она дея аталган мўтабар зот танҳодир. Узун кунлар тер тўққан, «болам» — дея юрган Суянганда тоғ бўлган ота падар танҳодир. Тонгда туриб кўз очсан, кундузларинг нурафшон, Ер юзини ёритган кўёш камар танҳодир. Оқшомларда сирдошинг, боқсанг айланар бошинг, Кўк тоқида йўлдошинг осмонда ой танҳодир. Тунларда бедор-бедор, алла айтган умидвор, Ҳар бир сўзи дуодур онажонинг танҳодир. Меҳрибонинг танҳодир.

МЕН СЕНИ ТОПАМАН...

Мен кетсам, кетаман адирлар томон, Майсалар бўлгайлар йўлдошим. Уларга айтмасдан азобларимни Сени қидираман ўн саккиз ёшим. Мен кетиб бораман ёлғиз, йўл узок, Керақдир кирк тоғдан ошмоғим. Қайлардан келмоқда овозинг, Ўн саккиз ёшдаги ўртоғим. Қирлардан эсаркан майин насимлар, Ёшлиқ, хушбўйингдан айланар бошим. Қирк тоғдан ошмоғим тайин, ниҳоят, Мен сени топаман ўн саккиз ёшим. Ўтаяпти умр, тўлмоқда паймон, Соғинч ўртаяверса, битар бардошим. Жонни эгасига қайтариб бериб, Мен сенга кетаман ўн саккиз ёшим! Раъно ЯРАШЕВА

Янги келинлик даврим. Қўшнилари бирин-кетин «салом»га чиқиб туришибди. Шундай кунларнинг бирида Гулнорахон деб, биров эшикдан чақриб қолди. Ойим «Келин, келаверинг», деб меҳмонга пешвоз чиқдилар. Кирган аёл — ён қўшнимиз Сурайё опа эканлар. Биринчи марта бу аёлни кўрганимда «Севимли актрисамиз Манзура ая Хамидовага жуда ўхшарканлар», деган ҳаёлга бордим. Кейинчалик билсам, Сурайё опа машҳур актрисамизнинг қизлари эканлар. Демак, юз тузилиш, майин нигоҳ у кишига оналаридан ўтган экан. Манзура ая Хамидова ижросидаги роллар кўпчилик муҳлисларга «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви орқали яхши таниш. Аядан бугун яхши роллар, хотира ва муносиб фарзандлар қолган.

Сизга ҳавасим келади

Сурайё опа жуда меҳнатсевар, қалби дарё, оқкўнгли яхши аёл. Тўқишни, турли пиширқ, салатларни тайёрлашни ёқтирадилар. Доимо ҳаракатдаги бу аёлга ҳавасим келади. Баъзан ойм у ёк-бу ёққа кетганларида олдиларига маслаҳатга чиқаман, эринмай тушунтирадилар. Турмуш ўртқлари билан жуда аҳил. Сурайё опа муҳир таржимон сифатида узок йиллар наشريётда ишлаб, ҳозир кексалик гаштини сурмоқдалар. Гоҳида бирор-бир китоб сўраб чиқаман. Уйларига бошладилар. Китоблари шунчалик кўпки, ҳайрон қоласиз. Яна бўш вақт топиб, гул парвариш қиладилар. — Қизим, қандай китоб керак бўлса, тортинманг. Керагини олиб, фойдаланаверинг, — дейдилар. «Раҳмат», дейман-у кўзим қўллариди чиройли тўқилаётган пайпоққа тушади. — Мунча гуллари чиройли! — Неवारаларимга тўқияпман. Хоҳласангиз сизга ҳам ўргатаман, — дейдилар Сурайё опа меҳр билан. «Майли, албатта, ўргатаман», дейману деворда суратлари осилг турган аяга кўзим тушади. — Ая сизнинг онангиз эканларда, — дейман ҳайратимни яширолмай.

Меҳр булоғингиз сўнмасин

◆ Собир УБАЙДУЛЛАЕВ, тадбиркор, «Дўстлик» ордени соҳиби: — Бугун сиз аёллар барча соҳада эркаклар билан бас-бас қадам ташлаб, мустақил юртимиз равнақига муҳим ҳисса қўшаётганингизнинг ўзи бир дostonдир. Айниқса, тадбиркорлик соҳасида амалга ошираётган юмушларингиз мактовга сазоворлар. Шу билан бирга сиз она, бека, опа, сингли, дўст сифатида барча бирда меҳр улашишдан асло чарчамасиз. Ана шу аёз меҳр булоғингиздан, самимий муҳаббатингиздан ҳеч ким бебаҳра қолмасин. Бугунги байрам қувончи, унинг хушнуд кайфияти умр бўйи сизларга ҳамроҳ бўлсин.

Волидангни рози қил...

◆ Илҳом ФАРМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист: — Дунёда онадек азизу мўтабар инсон бўлмаса керак. Уларни доимо ҳурмат, иззат қилиб дуоларини олишимиз лозим. Мен ўз қўшиқларимда меҳридарё онахонларимизни юракдан жўшиб қуйлайман. Ўзбек аёлларини ҳар қанча таърифласан, эъзозласан арзийди. Аввало улар ҳаё, ибод, шарқона одоблари билан чиндан ҳам гўзалдилар. Бугунги кўнгул аёл билан оналаримиз, опа-сингилларимизни чин дилдан муборақбод этиб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт тилайман. Ҳаётлари доимо шодликка, куй-қўшқига тўлиқ бўлсин. «Онажонинг рози қил» қўшиғини барча ўғил-қизлар қалбида жаранглаб туришини хоҳлардим. Бўлай десанг жаннати, Парвардигор ҳурмати, Муҳаммаднинг уммати, Онажонинг рози қил, Волидангни рози қил.



— Мана дадаси, қизларингизга ва менга байрам кунини олиб келадиган совғаларингиз рўйхати. Байрам кунини қирқда. — Ие, хотинжон, бугун сенинг байраминг эди-ку. Сўзсиз сурат. Абдурашул Ҳақимов чизган расмлар.

